

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАИТОВ ЭЛЁР ХОЛМАМАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСТИТУЦИОНАЛ МУАССАСА
БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
социологическим наукам**

**Content of the abstract dissertation of the doctor of Philosophy (PhD) on
sociological sciences**

Зайтов Элёр Холмаматович

Ўзбекистонда институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий
ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш 3

Зайтов Элёр Холмаматович

Совершенствование системы социальной защиты выпускников
институциональных учреждений в Узбекистане 23

ZaitovElyorXolmamatovich

Improving the system of social protection for graduates of institutional
establishment 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications
Список опубликованных работ 46

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАИТОВ ЭЛЁР ХОЛМАМАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСТИТУЦИОНАЛ МУАССАСА
БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.10.PhD/Sots10 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Содиқова Шохиди Марҳабоевна
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сейтов Азамат Пўлатович
социология фанлари доктори
Мухторов Азамат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «5» _____ XII _____ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, 1108-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (45 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, 1108-хона.)

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)



М.Б.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, соц.ф.д., профессор

Б.Ш.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, соц.ф.н., доцент

А.О.Умаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, соц.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида кечаётган глобал жараёнлар нафақат иқтисодий-молиявий, балки ижтимоий-маънавий ҳамда ахлоқий қадриятларнинг парчаланишига сабаб бўлмоқда. Жамиятда содир бўлаётган бундай трансформациялар етим ва ижтимоий етим болалар ҳаётида чуқур из қолдирувчи оқибатларга олиб келмоқда. Маълумотларга кўра, «дунё аҳолиси 7,6 миллиарддан ортиқ, улардан 2,2 миллиарди болалардан иборат бўлиб, 2,7 миллион бола ўз оиласи бағрида эмас, институционал муассасаларда тарбияланмоқда. Уларнинг ўртача 10-20% чин етимлар бўлса, мутлақ кўпчилиги (80-90%) ижтимоий етим болалардир»¹. 16 ёшга тўлгач, тарбияланувчилар муассасани битириб, катта ҳаётга мустақил қадам қўядилар. Мустақил ҳаётнинг дастлабки йилларида муассасани битирган ёшларнинг жамиятда интеграциялашуви мураккаб кечиши боис, уларни ижтимоий ҳимоялаш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилган тадқиқотлар, жумладан, етимлик ва ижтимоий етимлик омилларининг глобал ҳолати (Humanitarian and Social Research Center (INSAMER), Туркия), институционал муассаса битирувчисининг ижтимоий интеграцияси (The St.Petersburg – USA Orphanage Research Team), постинституционал адаптация даври мураккабликларининг (Taylor University, USA) илмий ўрганилиши институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий кузатиб бориш ва ҳимоялаш (Liverpool Hope University, UK) тизимини такомиллаштириш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий етимликни камайтириш, етим болалар ва онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг муассасани битиргач, жадал ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни иш билан, келажакда уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур. Чунки, бундай фарзандларимиз уларнинг ғамхўри, меҳрибони, ортидаги суянчи давлат ва жамият эканини доимо қалбида ҳис қилиб туриши шарт»² лигини алоҳида таъкидлади. Бу борада олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш учун тизимли тадқиқотлар олиб борилиши илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

¹ Karayel A. Humeyra Kutluoglu. Social orphanhood. INSAMER. 26.07.2019. insamer.com.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи», 2020 йил 25 январь.

2019 йил 11 февралдаги «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4185-сон Қарори, 2020 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6017-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Етимликнинг ижтимоий ҳодиса сифатида хусусиятлари ва унинг ижтимоий оқибатлари қадимдан илм-фан вакиллари қизиқтириб келган. Шарқ мамлакатларида анъанавий турмуш тарзи етимларнинг яқин қариндошлар ёки жамоанинг ихтиёрида қолишига туртки берган³. Ислом дини ёйилгач, етим болаларга нисбатан ғамхўрлик ҳар бир мусулмон учун фарз сифатида ўрнатилди⁴.

Ижтимоий ҳимоя масаласига Шарқ алломалари алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ўзининг «Минералогия» («Жавоҳирот китоби») асари муқаддимасида ёзишича: «Агар бирон киши одамларнинг осойишталиги деб машаққатларга чидаса, зикналик қилмасдан, унга ато қилинган нарсаларни бировларга берса, бундай одам ўшандай қудрат билан шуҳрат топган мард киши саналади»⁵, дея уқтирган. Шунингдек, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ижодида «ғариблар», «етимлар» ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам сифатида тилга олинган⁶. Соҳибқирон Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари»да қуйидагиларни ёзади: «Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда факиру мискинларга лангархона (йўловчилар қўниб ўтадиган жой; камбағал етим-есирга овқат бериладиган жой; ғарибхона) солсинлар, касаллар учун шифохоналар курсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар»⁷. Бу аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолат беради.

³ Хомидов Х. «Авесто» файзлари. – Тошкент: Халқ мероси, 2001. – Б. 27-28.

⁴ Куръони карим маъноларининг таржимаси. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодиёт уйи, 2018. – 471 б.

⁵ Абу Райҳон Беруний тарвихалар «Жавоҳирот китоби»дан. //Арабчадан А.Ирисов таржимаси. – Тошкент: Халқ мероси, 1991. – 12 б.

⁶ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 234 б.

⁷ Темур тузуклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 146 б.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмуродов, А.Умаров, А.Холбеков, М.Ганиева, О.Абдуазимов, Т.Матибоев, Ш.Содиқова, У.Аскарлова, Н.Латипова, А.Сеитов, Э.Кадиров, Б.Умаров, А.Юнусов, Н.Нагметова, Г.Хрульноваларнинг ишларида ижтимоий иш соҳасида кадрлар тайёрлашнинг институционал асосларини жорий этиш ва ёшларнинг ижтимоий ривожланиши, комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли, институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш технологиялари, ёшларнинг маънавий тарбиясида ижтимоий ҳамкорлик, ижтимоий ҳимоя масалалари, ёшларда мотивацион установкаларни шакллантириш, Меҳрибонлик уйларида шаклланиши ва ривожланиш тарихи, етимликнинг ижтимоий табиати, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, институционал муассаса битирувчиларида девиант ҳулқ-атворга берилиш, институционал муассаса битирувчиларини қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий-психологик омиллари⁸ социологик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Хорижлик олимлар Э.Дюркгейм, Т.Парсонслар томонидан ижтимоий ночорлик, хусусан, етимликнинг бош омили сифатида ижтимоий тараққиётнинг салбий оқибатлари кўрсатилиб,⁹ оила жамиятнинг асосий бўғини эканлигига эътибор қаратилган¹⁰. МДХ мамлакатларида ижтимоий

⁸ Бекмуродов М.Б. Замоनावий бошқарув социологияси. Монография. – Тошкент: YOSHLAR NASHRIYOT UYI, 2020.; Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. / Соц. фан. докт. дис.... – Тошкент: ЎЗМУ, 2005.; Холбеков А.Ж. Маънавий кадрларни тиклаш, мустақиллик мафқурасини яратишда миллий кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамияти. / Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: 2015.; Ганиева М.Х. Ижтимоий иш асослари. Методик қўлланма. – Тошкент: CHASHMA PRINT, 2010. – С. 10; Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни. / Соц. фан. докт. дис..... – Тошкент: 2017.; Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. – Тошкент: Yangi kitob, 2016. – 184 б. Содиқова Ш.М. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили. / Соц. фан. докт. дисс.... – Тошкент, 2016. – 140 б.; Аскарлова У.М. История создания и развитие «Домов милосердия» в Узбекистане. // Междисциплинарные исследования в науке и образовании. – 2012. № 1; Латипова Н.М. Социальная природа сиротства детей: причины и следствия. // Материалы международного форума «Социальная защита и интеграция в общество детей с особыми потребностями». – Ташкент, 2016. – С. 98.; Сеитов А.П. Социологическое видение восточной цивилизации: генезис и дальнейшие перспективы. Монография. – Ташкент: Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2019. – С.183.; Кадиров Э.О. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари мисолида). Юридик фан. докт (DSc). дисс. автореф.... – Тошкент., 2019. – Б. 16.; Умаров Б.М., Ражабов Ф.П. Вояга етмаганларда ҳулқ оғиши ва тарбия бузилишининг ижтимоий-психологик омиллари. // Замоनावий таълим. 2015. №8. – Б. 18.; Юнусов А.Б. Ёшлар муаммоларига социологик ёндашув. // Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истикболлари. // Республика илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2019. – 62 б.; Нагметова Н.М. Умумий ўрта таълим мактабларида ўсмирларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мактабларининг ўсмир ўғил болалари мисолида). Пед. фан. бўйича фалс. докт (PhD) дисс. автореф....– Нукус., 2018. – Б. 15.; Хрульнова Г.В. Задачи модернизации системы социальной защиты детей-сирот и детей оставшихся без попечения родителей в Узбекистане. // Социальная защита детей в Узбекистане: наука и практика. Монографический сборник. / Отв. редактор Л.Р.Мунинова. – Ташкент: Spektrum Media Group, 2015. – С. 72.

⁹ Дюркгейм Э. Социология. Её предмет, метод и назначение. – Москва: Канон, 1995. – С. 325.

¹⁰ Парсонс Т. О структуре социального действия. – Москва: Академический Проект, 2000. – С. 161.

химоянинг айрим жиҳатларига бағишланган тадқиқотларни В.И.Добренёков, А.И.Кравченко, А.А.Лиханов, М.А.Дмитриева, В.И.Слущкий, Г.В.Семьяларнинг илмий асарларида кузатиш мумкин. Мазкур олимлар ижтимоий етимликка олиб келувчи омиллар, институционал муассасаларда яшаётган болаларда ижтимоий бегоналашув эҳтимолининг ошиб бориши, институционал муассасани битирган ёшларда позитив ва негатив ҳуққатворнинг ижтимоий моделлари, муассаса битирувчиларининг жамиятдаги ижтимоий интеграциялашувдаги мавжуд муаммолар, постинституционал адаптация даврининг социал-педагогик хусусиятлари, уларнинг социал-касбий адаптацияси масалаларини таҳлил этишган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда институционал муассасаларда тарбияланаётган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор қаратиб келинаётган бўлсада, лекин уларнинг институционал муассасани битиргандан кейинги ҳаётида ижтимоий ҳимоялаш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган. Институционал муассасаларда тарбияланаётган болаларни ижтимоий ҳимоялаш йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланиб, бу эса диссертант томонидан мазкур мавзунини тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганишга ундади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогностлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш имкониятларини таҳлил қилиш ва ривожланиш истиқболларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимининг институционал асосларини назарий-методологик таҳлил қилиш;

«етимлик», «ижтимоий етимлик», «институционал муассаса битирувчиси» феномени хусусиятларини ўрганиш ва уларни шакллантирувчи ижтимоий омилларини тавсифлаш;

Ўзбекистонда постинституционал ижтимоий ҳимоя тизими компонентларининг ривожланиш тенденцияларини социологик тадқиқ этиш;

постинституционал адаптация даврида муассаса битирувчисининг ижтимоий интеграцияси омилларини эмпирик тадқиқ этиш;

институционал муассаса битирувчисини социал кузатиб бориш парадигмаси ижтимоий заруратини социологик асослаш;

Ўзбекистонда институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялашга оид фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик илмий тадқиқот тамойилларидан келиб чиққан ҳолда қиёсий таҳлил, анкета, фокус-гурӯҳ, кузатиш каби тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш тизимини эмпирик ўрганиш асосида уларнинг таркибий компонентлари (бандлиги, касб танлаши, таълим олиши, оилавий ҳаётга тайёрлаш, уй-жой билан таъминланиши ҳолати) ҳамда субъектнинг ижтимоий қиёфаси (ижтимоий мотивацияси, ўзаро муносабатлари, фаоллиги, мобиллиги, ижтимоийлашуви) очиб берилган;

ота-она қаровисиз қолган болаларни тизимли кузатиш орқали рақамлаштириб тадқиқ этишда «Фокус-гурӯҳ дастури» жамланмаси афзаллиги (фикрнинг такрорланмас частотаси, бирламчи таассуротнинг зудлик билан изҳор этилиши, синтетик ёндашувдан аналитик ёндашувнинг устуворлиги, мақсадга эришиш йўллари йўлчи имкониятлари) исботланган;

институционал муассаса битирувчиларининг постинституционал адаптация босқичида жамиятда муваффақиятли интеграциялашувига тўсик бўлаётган иқтисодий-молиявий, ижтимоий, маиший-психологик муаммолари туркумланган ва уларнинг ўз ҳаётини позицияларида барқарорлашиши учун кўмаклашишга мултидисциплинар ёндашувни амалга оширувчи субъектлари бўлган («ижтимоий иш ходими», «махалла фаоллари», «профилактика инспекторлари», «тиббиёт ходимлари», «психолог» ва «ҳуқуқшунослар» ҳамда «волонтёрлар») интегратив фаолият юритиш усули асосланган;

етим ва ота-она қарамғисиз қолган болаларни институционал муассасаларга жойлаштирилишининг муқобил турлари сифатида тан олинган оилаларга жойлаштириш тизимини кенгайтириш, шунингдек, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим (ижтимоий тўловлар, ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш вақтида майиб бўлганлик учун товон пули) яратилиши орқали «ижтимоий суғурталаш» тажрибаси ўрнатилишининг ижтимоий аҳамияти очиб берилган;

жамият ижтимоий тузилмасида институционал муассаса битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёт фаолиятини ташкил этиш

тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга йўналтирилган болалар эҳтиёжлари харитасининг тажрибавий модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

институционал муассаса битирувчисини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

«етимлик», «ижтимоий етимлик» тушунчалари илмий ўрганилиб, уларни шакллантирувчи ижтимоий омиллар илмий-амалий тавсифланган;

институционал муассаса битирувчиси феноменининг назарий-методологик асослари тизимли тадқиқ этилган;

институционал муассаса битирувчисини постинституционал адаптацияси хусусиятлари социологик тадқиқ этиш асосида уларнинг социал интеграцияси самарадорлиги омиллари очиб берилган;

постинституционал социал кузатиб боришнинг хориж тажрибасига асосланиб, институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, пилотаж ҳамда кенг қамровли социологик сўров саволларини тузиш қоидаларига тўлиқ риоя этилгани, ҳар бир саволнинг назорат саволи билан текшириш таъминлангани, фокус-гурӯҳ усулини ўтказишда стандартлашган процедурага асосланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ва амалий тавсиялардан институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялашнинг ҳукуқий-меъёрий асослари ва уларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш жиҳатларини чуқур тадқиқ этишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижтимоий ҳимоя тизими таркибида постинституционал адаптация самарадорлигини таъминловчи социал кузатиб бориш технологиясини жорий этишга бағишланган мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқишга хизмат қилади. Шунингдек, диссертация тадқиқоти ғоя ва материалларидан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда, олий ўқув юртларида «Социология» ва «Ижтимоий иш» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқитишда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Институционал муассаса битирувчисини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ қилиш асосида:

институционал муассаса битирувчисини ижтимоий ҳимоялаш тизими фаолиятини эмпирик ўрганиш асосида уларнинг таркибий компонентлари (бандлиги, касб танлаши, таълим олиши, оилавий ҳаётга тайёрлаш, уй-жой билан таъминланиши ҳолати) ҳамда субъектларининг ижтимоий қиёфаси (социал фаоллиги, мобиллиги, ижтимоийлашуви) очиб берилган ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг 2019 йил 3 январдаги 01-03/18-сонли Қарори билан тасдиқланган 2019 йилга мўлжалланган иш режасининг V. Ёшларга муносиб меҳнат шарт-шароитларини яратиш, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишининг 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33-бандларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 25 февралдаги 04-13/780-сон далолатномаси). Бунда институционал муассаса битирувчиларининг базавий эҳтиёжларини кондириш (уй-жой билан таъминлаш, иш билан таъминлаш, олий таълим олиш имкониятларини яратиш) билан бир қаторда, уларнинг индивидуал иқтидори ва салоҳиятини аниқлаб, рағбатлантириш орқали ижтимоий фаоллигини ошириш йўллари аниқлаш имконини берган;

ота-она қаровисиз қолган болаларни тизимли кузатиш орқали рақамлаштириб тадқиқ этишда «Фокус-гурӯҳ дастури» жамланмаси афзаллиги (фикрнинг такрорланмас частотаси, бирламчи таассуротнинг зудлик билан изҳор этилиши, синтетик ёндашувдан аналитик ёндашувнинг устуворлиги, мақсадга эришиш йўллари йўлчаш имкониятлари) исботланган ва ушбу дастур жамланмаси «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2018 йил 4 январдаги 3-сонли буйруғига асосан «2018-2020 йиллар давомида Ёшларга оид давлат сиёсати ва баркамол ривожланган авлодни шакллантириш» мавзусида амалга оширилган амалий тадқиқот ишларида қўлланилган ҳамда тегишли равишда Марказ фаолиятига жорий этилган. («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2020 йил 09 мартдаги 01-16/93/1-сон маълумотномаси). Бу ота-она қарамоғисиз қолган болаларни тизимли ва самарали ўрганиш имконини берган;

институционал муассаса битирувчиларининг постинституционал адаптация босқичида жамиятда муваффақиятли интеграциялашувга тўсик бўлаётган иқтисодий-молиявий, ижтимоий, маиший-психологик муаммолари туркумланган ва уларнинг ўз ҳаётининг позицияларида барқарорлашиши учун кўмаклашишга мултидисциплинар ёндашувни амалга оширувчи субъектлари бўлган («ижтимоий иш ходими», «маҳалла фаоллари», «профилактика инспекторлари», «тиббиёт ходимлари», «психолог» ва «хуқуқшунослар» ҳамда «волонтёрлар») интегрatív фаолият юритиш усулига оид

хулосаларидан, таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони 2-илоvasи «Мамлакатда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимни самарали жорий этиш бўйича «Йўл харитаси»нинг 4-банди «Фуқаролар йиғинлари ходимлари ва янги таркибий тузилмалар фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги низомлар лойиҳасини ишлаб чиқиш»да (2020 йил март ойи), 23-банди «Ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга манзилли ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш»да фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 24 сентябрдаги 02-02/1233-сон далолатномаси). Диссертация илмий натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, жамиятга мослашиш, ўз оилавий ҳаётини қуриш мазкур йўналишда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлган мутасаддиларнинг тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш имконини берган;

етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни институционал муассасаларга жойлаштирилишининг муқобил турлари сифатида тан олинган оилаларга жойлаштириш тизимини кенгайтириш, шунингдек, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд тизим (ажратилаётган ижтимоий тўловлар, ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш вақтида майиб бўлганлик учун товон пули каби тўловлар)ни қайта кўриб чиқиш мазкур тоифа вакиллари учун «ижтимоий суғурталаш» тажрибаси ўрнатилишининг ижтимоий зарурати тўғрисидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси сўровига (2019 йил 11 июлдаги 24-14/1329-сон хати) асосан тайёрланган ҳисоботда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг 2019 йил 27 декабрдаги 01/379-сон далолатномаси). Бу ёшлар сиёсатини амалга оширишда институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштиришда, институционал муассаса битирувчиларини постинституционал адаптация босқичида жамиятда муваффақиятли интеграциялашувига тўсик бўлаётган ижтимоий-психологик, маиший-молиявий муаммоларни аниқлаш, уларнинг кейинги ҳаётий позицияларини белгилаб олишларида кўмаклашиш ва ижтимоий оғишлардан ҳимоялашнинг мультидисциплинар жамоа фаолиятига асосланган самарали технологияларини ишлаб чиқиш имконини берган;

жамият ижтимоий тузилмасида институционал муассаса битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёт фаолиятини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга йўналтирилган болалар эҳтиёжлари харитасининг тажрибавий моделидан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш марказининг 2018 йил 4 январдаги

3-сонли буйруғига асосан «2018-2020 йиллар давомида Ёшларга оид давлат сиёсати ва баркамол ривожланган авлодни шакллантириш» мавзуида амалга оширилган амалий тадқиқот иши доирасида (ПЗ-20170922128. Лойиҳа раҳбари – Каюмов У.К.) ўтказилган ижтимоий сўровларда фойдаланилган. («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2020 йил 09 мартдаги 01-16/93/1-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижаларнинг қўлланилиши амалий тадқиқотнинг институционал муассасалар битирувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнларини такомиллаштиришга бағишланган қисмини бойитиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосида илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган нашрларда 10 та илмий мақола, шундан 2 таси хорижда, 8 та тезис, шундан 4 таси халқаро конференция материаллари тўпламида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 175 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республикамиз фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг «Институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш тизимини ўрганишнинг назарий-методологик асослари» деб номланган биринчи бобида ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя тизимининг институционал асослари назарий-методологик жиҳатдан таҳлил қилинди. Етимлик ва ижтимоий етимлик омилларининг қиёсий таҳлиliga ретроспектив ёндашув ўрганилди. «Институционал муассаса битирувчиси» феноменининг тадқиқ этилиши бўйича хориж тажрибаси ёритилди.

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида дунё миқёсида содир бўлаётган глобаллашув, модернизациялашув каби жараёнлар нафақат иқтисодий-молиявий, балки ижтимоий-маънавий ҳамда ахлоқий кадриятлар парчаланишига сабаб бўлди. Ўз ўрнида, бундай ҳолатлар ожиз қатламлар тақдирида изсиз кетмайдиган салбий ижтимоий ҳолатларга олиб келди.

Шундай ҳодисалардан бири болалар етимлигидир. Етимлик илм-фан дунёсида баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Илмий атамашуносликда ушбу сўз муайян миллатнинг социомаданий хусусиятларидан келиб чиқиб талқин этилади.

Қадимги даврлардан етим болалар муаммоси илғор фикрли кишилар, давлат арбоблари, илм-фан намоёндаларини бефарқ қолдирмаган. Етимликка доир назарияларни Хўжа Аҳмад Яссавий, Абу Райҳон Беруний, Соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий каби буюк ўзбек мутафаккирлари таълимотларида намоён бўлган.

Ўз навбатида, етимлик турли халқларнинг тарихий-этноик, социомаданий ва диний эътиқод хусусиятлари синтездан таркиб топган ижтимоий ҳодиса бўлиб, Шарқ ва Ғарб давлатларида етимларга нисбатан муносабат тафовутланиб, аксарият илғор фикрли кишилар томонидан уларнинг ҳимоя қилиш зарурати кўрсатилган.

Диссертантнинг фикрига кўра, Марказий Осиёдаги жамоавий турмуш тарзи етим боланинг худудда қолиб, яқин қариндошлар томонидан тарбияланиши жамият қонди сифатида қабул қилинганлиги етим бўлган болаларни ижтимоий ҳимоясининг ўзига хос хусусияти шаклланганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Замонавий жамиятда постинституционал ижтимоий ҳимоя тизими компонентларининг хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда постинституционал ижтимоий ҳимоя тизимининг ривожланиш тенденциялари, постинституционал адаптация даврида битирувчиларни ижтимоий кузатиб бориш хусусиятлари, Ўзбекистонда етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ноинституционаллаштириш муаммолари ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Ижтимоий ҳимоя биргина кўмак пулларини тўлаш билан чекланмаслиги керак ва муҳтож кишиларни оёққа туриб олишига ёрдам бериш шарт»¹¹, деб таъкидлади.

Ўзбекистон ҳукумати билан БМТ ўртасида ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш борасида кўшма дастур имзоланди.

Республикада 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, институционал муассасалар ҳисобланган 18 та Меҳрибонлик уйлари, 4 та болалар шаҳарчаси, 1 та оилавий типдаги болалар уйи, 3 та «SOS – болалар маҳаллалари»да жами 3382 та бола тарбияланмоқда. 2018 йилда ушбу кўрсаткич 2484 нафарни ташкил этиб, уларнинг социал таркибига кўра, 338 нафари (13,6%) – чин етимлар, 678 нафари (27,3%) – ота-она ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг фарзандлари, 117 нафари (4,7%) – ногиронлиги бўлган ота-оналарнинг фарзандлари, 167 нафари (6,7%) – ота-оналари озодликдан маҳрум қилиш жойларидагиларнинг фарзандлари, 1184 нафари (47,7%) – кам таъминланган оилаларнинг болаларидир. Тарбияланувчиларга 1146 нафар малакали

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020.

ходимлар, жумладан, 483 нафар педагоглар танлов асосида тарбия бермоқдалар¹².

Институционал муассаса битирувчиларининг мустақил ҳаётда тўлақонли интеграциясига тўсқинлик қилувчи омилларнинг таҳлили қуйидаги фикрга келишга имкон беради. Шахс ривожланишида оиланинг ўрни бекиёс. Боланинг кичик ёшидан бошлаб оиладан ажралиб қолиши унинг барқарор ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатувчи омил саналади. Тадқиқотлар кўрсатишича, муассасани битирган ёшлар бутун умри давомида оила муҳити танқислиги ҳиссиёти билан яшайди. Бу эса уларнинг мустақил ҳаётдаги ижтимоий-касбий адаптация жараёнини янада мураккаблаштиради. Институционал муассаса битирувчилари муаммоларини ҳал қилишнинг жаҳон тажрибасида синалган йўли етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни Меҳрибонлик уйи каби муассасаларга жойлаштирилишининг олдини олиш ва жойлаштиришнинг муқобил турлари сифатида тан олинган оилаларга жойлаштириш тизимини кенгайтириш самара беришини кўрсатди.

«Ўзбекистонда институционал муассаса битирувчиларининг ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш истиқболлари» деб номланган учинчи бобда Ўзбекистонда институционал муассаса битирувчилари манфаатларини ҳимоялаш, институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш тизими муаммоларининг эмпирик таҳлили, Ўзбекистонда институционал муассаса битирувчиларининг ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш имкониятлари тадқиқ этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда институционал муассаса битирувчиларининг ижтимоий ҳимоялаш тизимини шакллантиришга доир бир қатор муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Диссертантнинг фикрига кўра, жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, чора-тадбирларга қарамасдан ота-оналар қаровисиз қолган, Меҳрибонлик уйида тарбияланган ёшларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувида бир қанча муаммолар мавжудлиги кузатилади. Жумладан, ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, 72% ёшлар соҳада ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунмаслик, норматив ҳужжатларда кўзда тутилган тамойиллар ва меъёрларга амал қилмаслик ёки эътиборсизлик муаммоларига дуч келмоқда, мутасадди ташкилотлар ва раҳбарларнинг қонун доирасидаги вазифаларини бажармаслик каби ҳолатлар институционал муассаса битирувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашувида қийинчиликлар туғдирмоқда, мустақил ҳаётда дастлабки адаптация босқичида уларни ижтимоий кузатиб бориш, зарур ижтимоий, иқтисодий, психологик, маиший ва ҳуқуқий ёрдамни амалга оширувчи тузилмалар, мутасадди органлар фаолиятига аниқлик киритилмаган, ушбу ташкилотлар ўртасида ижтимоий ҳамкорликка асосланган мувофиқлашган комплекс хусусиятли механизмлар ишлаб чиқилмаган.

¹² Муталиев А. Роль и функции социальных работников в детских учреждениях и в системе опеки и попечительства. // Материалы республиканской научно-практической конференции. – Тошкент, 2018. – С. 5.


Меҳрибонлик уйида тарбияланиб, мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларнинг жамиятга ижтимоийлашувида тўқнаш келаётган муаммоларини ўрганиш мақсадида эмпирик тадқиқотлар олиб борилди. Эмпирик тадқиқотлар икки босқичда ташкил этилиб, биринчи босқичда («Ота-она қаровисиз қолган, Меҳрибонлик уйида тарбияланиб мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви масалалари: муаммо ва ечимлар» анкета сўровномаси ўтказилди. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти билан ҳамкорликда олиб борилди.) анкетали сўровнома 2019 йил 10-23 апрель кунларида¹³ ўтказилди, анкета сўровномада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 233 нафар институционал муассаса битирувчиси иштирок этди. Иккинчи босқичда фокус-гурух усули қўлланилиб, 2019 йил 7-25 июль кунларида ўтказилди¹⁴. Унда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри 14-сонли Меҳрибонлик уйи битирувчиларидан 12 нафари, аёллар (42% 5 нафар), эркеклар 58% (7 нафар) иштирок этишди. Андижон вилояти болалар шаҳарчасининг 10 нафар битирувчисидан аёллар 40% (4 нафар), эркеклар 60% (6 нафар), Жиззах вилояти 29-сонли Меҳрибонлик уйининг 11 нафар битирувчисидан, аёллар 18% (2 нафар), эркеклар 82% (9 нафар)ни ташкил этди.

Социологик тадқиқотлар давомида институционал муассаса битирувчилари мустақил ҳаётда дуч келаётган ижтимоий-маиший ва маънавий-психологик муаммолар ўрганилди (1-расмга қаранг).

¹³ «Ота-она қаровисиз қолган, Меҳрибонлик уйида тарбияланиб мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви масалалари: муаммо ва ечимлар». Социологик сўров натижалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти. Тизимли тадқиқотлар лойиҳаси. 2019 йил апрель. Тадқиқотда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 233 нафар институционал муассаса битирувчиси иштирок этди. Респондентлар ёш категорияси бўйича таҳлил қилинганда 16-20 ёшдагилар – 101 нафарни (43,3%), 21-25 ёшдагилар 95 нафарни (40,7%), 26-30 ёшдагилар 37 нафарни (15,8%) ташкил этди. 21,4% (50 нафари) оилали, 75,1% (175 нафари) уйланмаган/турмуш қурмаган, 3,4% (8 нафари) оиласи билан ажрашган. 44,1% (102 нафари) ишсиз бўлиб, аксарияти ўрта махсус таълим тизимини тугатгандан кейин ўз мутахассислиги бўйича иш тополмаган. Шунингдек, сўровда иштирок этганларнинг 18,8% (42 нафари) ўқувчилар, 11,2% (26 нафари) талаба, 4,7% (11 нафари) уй бекаси. Эслатма: Мазкур социологик сўровда диссертант шахсан иштирок этган.

¹⁴ Фокус-гурухлар диссертант томонидан 2019 йил 7-25 июль кунларида ўтказилди. Фокус-гурух иштирокчилари таркиби: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри 14-сонли Меҳрибонлик уйи битирувчиларидан жами - 12 нафар бўлиб, улардан аёллар – 42% (5 нафар), эркеклар – 58% (7 нафар). Андижон вилояти болалар шаҳарчасининг 10 нафар битирувчисидан аёллар – 40% (4 нафар), эркеклар – 60% (6 нафар), Жиззах вилояти 29-сонли Меҳрибонлик уйининг 11 нафар битирувчи аёллар – 18% (2 нафар), эркеклар – 82% (9 нафар)ни ташкил этди. Тажриба-синов майдонлари бўйича жинсий кесимда жами эркеклар – 67% (22 нафар), аёллар 33% (11 нафар)ни ҳосил қилди. Умумий ҳисобда институционал муассаса битирувчиларида олий маълумотлилар улуши 6/1 ни ташкил этди (15%). Ўрта махсус таълим даражасини олганлар аксарият кўпчилик бўлиб (79%), 6% эса ўрта таълим олишда давом этаётганлиги маълум бўлди.

Меҳрибонлик уйи битирувчиларининг мустақил ҳаётидаги муаммолари (% ҳисобида)



Ўрганиш натижасида Меҳрибонлик уйи битирувчиларини уй-жой билан таъминлаш, ишга жойлаштириш каби муҳим масалалар давлат ва жамоат ташкилотлари эътиборидан четда қолаётганлиги кузатилди. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан, айниқса, битирувчиларни турар жой билан таъминлаш борасида қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Хусусан, респондентларнинг 79,8%и (186 нафар) уй-жой билан таъминланмаганлигини, 8,4%и (20 нафар) шартнома асосида истиқомат қилишини, 3,9%и (9 нафар) уйини маҳаллий ҳокимликлар таъмирлаб берганини таъкидлашди, 7,6%и (17 нафар) уй-жойга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилганини, атиги 1 нафари ўз уйига эгалигини маълум қилган. Жумладан, сўровда қатнашган ёшларнинг 81,9%и (190 нафар) маҳаллий ҳокимликлар томонидан берилган турар жойлар (ижара асосида) шарт-шароитлари уларни умуман қаноатлантирмаслигини билдиришган.

Сўровномада иштирок этган битирувчи ёшларнинг 43,9%и (102 нафар) ишсиз бўлиб, аксарияти ўрта махсус таълим муассасасини тугатгандан кейин ўз мутахассислиги бўйича иш тополмаган. Меҳрибонлик уйи битирувчилари ўртасидаги ишсизликнинг юқори кўрсаткичлари Наманган (80%и, 16 нафар), Қашқадарё (78,9%и, 15 нафар), Бухоро (72,7%и, 16 нафар), Фарғона (62%и, 10 нафар), Тошкент (58,8%и, 10 нафар), Сурхондарё (50%и, 9 нафар) вилоятларига тўғри келади. Жумладан, респондентларнинг 38,2%и, (88 нафар)и ўз турмушидан мамнун эмаслигини маълум қилишган.

Фокус-гурӯҳ усулидан олинган натижалар кўрсатишича, битирувчи ёшларнинг аксарияти шахсни тасдиқловчи ҳужжатларида муаммолари борлиги боис расмийлаштирилмаган меҳнат билан банд.


Кўриниб турибдики, ушбу ҳолат ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимликлар, бандликка қўмаклашувчи марказлар, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари, маҳаллалар томонидан ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари билан ишлаш, бандлигини таъминлашга етарлича эътибор қаратилмаганлиги натижасида муаммолар юзага келмоқда. Шунингдек,

уларнинг 46,7%и бу борада ёшларга имтиёзлар белгилаш керак, деган фикрни илгари суришган.

